



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 23 (799)
2022 йил
23 июнь,
Пайшанба



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Дунёда тили, урф-одатлари, маданияти, ҳатто ташқи кўринишидан бир-бирига ўхшаб кетадиган миллат ва элатлар кўп. Ўзбек ва озарбайжон халқларини ана шундай халқлар қаторига бемалол қўша оламиз. Ҳар икки миллат вакиллари бир-бирини таржимасиз тушуна олади.

Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжоннинг умуммиллий етакчиси ва биродар озарбайжон халқига ўз хурмат-эҳтиромини билдирди.

Миромоновичдан Тошкент марказида отам Ҳайдар Алиев хотирасига бағишлаб шундай кўркам гўшани барпо этиш ташаббуси учун жуда миннатдорман. Биз буни ўзбек қардошларимизнинг буюк етакчимизга, умумий тарихимизга чинакам биродарона муносабати сифатида қабул қиламиз. Бу бутун Озарбайжон халқига хурмат ифодаси ҳамдир, — деди Озарбайжон етакчиси.


Маросимда зиёлилар, нурунийлар,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни кутиб олди.

Давлат раҳбарлари шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат мадҳиялари янгради. Мамлакатларимиз етакчилари фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Маросимда Ўзбекистон ва Озарбайжон расмий делегациялари аъзолари иштирок этди.

Расмий кутиб олиш маросимидан



Ўзбекистон – Озарбайжон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПойДЕВОРИ

Турмуш тарзимиз, анъана ва урф-одатларимиз, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда муштарак жиҳатларни кўплаб учратиш мумкин.

Бу икки буюк халқни асрлар, минг йиллар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ўхшаш жиҳатлар ҳам бор. Халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш, “Авесто” китоби, шунингдек, халқ оғзаки ижодининг ўлмас дурдоналари саналган “Гўрўгли”, “Ошиқ Ғариб”, “Дада Кўрқут” дostonлари ана шу азалий қардошлик, дўстлик ва биродарликнинг ёрқин исботидир. Ўзбек мусиқасининг гултожи саналган нодир мақомларимиз ва бетакрор Озарбайжон муғомлари орасидаги ҳамоҳанглик ҳар икки халқ ўртасидаги яқинликни ўзида ифодалайди.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узокни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги янада мустаҳкамланди.

Озарбайжон Президентининг давлат ташрифи Ҳайдар Алиев номидаги янги-ланган кўча ва унинг ёдгорлиги очи-шидан бошланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон

— Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси, ўзбек халқининг яқин дўсти Ҳайдар Алиев шарафига номланган кўчанинг очи-лиш маросимидан бошлангани катта рамзий маънога эга.

У киши XX асрнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси сифатида тарихга кирди. Ҳайдар Алиевнинг қатъияти, кучли сиёсий иродаси ва бекиёс етакчилик сифатлари туфайли ёш суверен давлат барча қийинчилик ва синовларни муносиб енгиб ўтди, — деди Президентимиз.

Ўзбекистон раҳбари Озарбайжон умуммиллий етакчиси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва қардош халқларимизнинг тарихий ришталарини изчил мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади.

Озарбайжон Президенти, ўз навбатида, ушбу ташриф унинг пандемиядан кейинги илк хорижий ташрифи эканини қайд этиб, давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига Ҳайдар Алиевнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлашга қаратилаётган доимий эътибор учун миннатдорлик билдирди.

— Азиз қардошим Шавкат

озарбайжон юртдошларимиз ҳам сўзга чиқди. Улар Ҳайдар Алиев номидаги обод кўча ва хиёбон қардош халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин рамзи эканини таъкидладилар.

Ўзбекистонда озарбайжон миллатига мансуб 40 минг нафарга яқин юртдошларимиз истиқомат қилмоқда. 2003 йилда Озарбайжон маданият марказлари уюшмаси ташкил этилган. 2010 йилда Озарбайжон элчихонаси қошида Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказининг янги биноси очилган.

Шундан сўнг Озарбайжон Президенти давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга келган олий даражадаги меҳмонлар томонидан ушбу монументга гул қўйиш маросими анъанага айланди.

Кўксарой қароргоҳида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган майдонда Озарбайжон Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди.

сўнг Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев тор доирада учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми барқарор ошиб бормоқда. Қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

2021 йил сентябрь ойида Озарбайжонда мамлакатимиз автомобилларини йиғиш корхонасининг ишга туширилгани муваффақиятли қўшма лойиҳалардан бири бўлди. Ташриф арафасида ўтказилган бизнес-форумда умумий қиймати ярим миллиард долларлик янги инвестиция ва савдо келишувлари имзоланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари учрашув чоғида икки мамлакат ҳудудида нефть-газ, газ-кимё, тўқимачилик, фармацевтика, виночилик ва озиқ-овқат тармоқларида саноат кооперацияси истиқболларини муҳокама қилдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Муносабат



ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ — АДОЛАТ ТАНТАНАСИ



Т. РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори:

— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотлар халқ-

чил ва демократик тамойилларга асосланган Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида 7 та устувор йўналиш бўйича “Инсон кадрлари учун — 100 та мақсад”

белгилаб олинганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, инсоннинг улуғланиши, ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг таъминланиши халқчил демократик давлатнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Инсон кадрлари ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг ташкил этилиши, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳитнинг барпо этилишида намоён бўлади. Сўнгги йилларда республикамизда илк бор фаолияти йўлга қўйилган янги тизим — Халқ қабулхоналари ҳамда Президентнинг виртуал қабулхонаси том маънода халқ овозини, жамоатчилик фикрини акс эттирадиган, унинг манфаатларини кўзлайдиган тузилмага айланиб бормоқда. “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган даъват республикадаги барча ташкилот ва муассасаларнинг кундалик фаолиятига айланмоқда.

(Давоми 4-5-саҳифаларда)

Ўзбекистон – Озарбайжон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Транспорт коммуникациялари соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Транспорт йўлақларини ривожлантириш, юк ташиниш тарифларини мақбуллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, биргаликдаги ишбилармонлик ва маданий тадбирларни ўтказиш, сайёҳлар алмашинувини кўпайтириш муҳим эканини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий вазият юзасидан ҳам фикр алмашиб, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг музокаралари икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишни очар экан, Озарбайжон Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва вақт билан синалган, ишончли стратегик шериги эканини таъкидлади. Мамлакатларимизни дин, маънавий кадрлар муштараклиги, анъаналар, тил ва маданият ўхшашлиги боғлаб туради.

Шавкат Мирзиёев ўзаро манфаатли ҳамкорлик юксак даражага чиққани, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро англашув мустаҳкамлашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон – Озарбайжон стратегик шериклигини янада кенгайтириш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишга интилиш қатъий эканини тасдиқлади.

Ўзбекистон Президенти ҳамкорлик учун мавжуд улкан салоҳиятни ишга солиш, икки мамлакат иқтисодиётини тўлдириб турувчи омиллардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, виночилик, озиқ-овқат, қурилиш, нефть-газ, газ-кимё, фармацевтика, агросаноат ва бошқа тармоқларда қатор лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этди. Мамлакатларимизда истиқболли кооперация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш мақсадида қўшма Инвестиция фондини ташкил этишга келишиб олинди.

Шунингдек, маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорига экспорт қилиш учун давлатларимиз ҳудудидаги эркин иқтисодий зоналарда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу маънода, транспорт коммуникациялари тизимидан, шу жумладан, “Боку – Тбилиси – Қарс” темир йўлидан фойдаланган ҳолда бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари келишиб олинди. Икки томонлама савдо ва товарлар транзити йўлидаги тўсиқларни ўз вақтида бартараф этиш учун транспорт вазирлари раҳбарлигидаги махсус ишчи гуруҳ ташкил этилади.

Ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши – қишлоқ хўжалиги. Бу борадаги имкониятлар қайд этилар экан, мутасадди вазирларга ипакчилик кластерини ташкил этиш, ғўзачиликдаги лойиҳаларни илгари суриш, инновацион ишланма-

ларни жорий қилиш бўйича “йўл хари-таси”ни келишиб олиш топширилди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда ҳудудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар муҳим ўрин тутди. Томонлар яқин фурсатда мамлакатларимиз пойтахтлари ва йирик шаҳарлари ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишига келишиб олдидилар. Давлатимиз раҳбари жорий йилда Тошкент шаҳрида биринчи Ҳудудлар форуми ва уларнинг саноат салоҳиятига бағишланган кўргазмани ўтказиш таклифини илгари сурди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳам ишбилармонлик ва гуманитар алоқаларнинг янада мустаҳкамлашига хизмат қилиши қайд этилди. Президентлар бу борада алоҳида дастур қабул қилиш ва қўшма туризм ярмаркасини ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватладилар.

Музокаралар чоғида маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, жумладан, Маданият ва кино кунларини ўтказиш, олий таълим даргоҳлари, илмий муассасалар, спорт ва ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш юзасидан қатор бошқа келишувларга ҳам эришилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Шу маънода, транспорт коммуникациялари тизимидан, шу жумладан, “Боку – Тбилиси – Қарс” темир йўлидан фойдаланган ҳолда бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари келишиб олинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурда икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди. Ҳудудлараро ҳамкорлик, саноат, халқаро автомобиль қатнови, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳаларидаги ҳамкорлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастури шулар жумласидан.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларида амалий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президентлар музокаралар очиклик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон делегациясини самимий қутлаб, икки халқ муносабатларининг шонли тарихи бугунги кўп қиррали ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратганини таъкидлади.

— Маънавий кадрларимиз, дини-

миз бир, маданият ва тилимиз ўхшаш, — деди Шавкат Мирзиёев. — Аҳмад Фаргоний ва Абу Райҳон Беруний асарларида Озарбайжоннинг шарқ ва ғарб тамаддунлари бир-бирини бойитган кўплаб шаҳарлари тилга олинган. Шарқшунослик институти фондларида эса Низомий, Хоқоний, Тусий, Фузулий, Хатойи ва бошқа озарбайжон шоир ва мутафаккирларининг ўнлаб ноёб кўлэмалари авайланиб сақланмоқда.

Бу ўзбек халқи азал-азалдан озарбайжон маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билдириб келаётганининг яна бир далилидир, деб таъкидлади Ўзбекистон етакчиси.

— Тор ва кенгайтирилган таркибдаги учрашувларда икки томонлама кун тартибидаги масалаларни батафсил муҳокама қилдик. Музокаралар ҳамкорлигимизни халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлашга тайёрлигимизни кўрсатди. Салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Улар орасида икки томонлама муносабатларда янги босқични бошлаб берадиган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида декларация имзоланди. Биз ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини ҳам белгилаб олдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Томонлар ҳамкорликни тубдан фаоллаштириш учун кенг имкониятлар борлиги, энг аввало, иқтисодиётларимизнинг бир-бирини тўлдириб туришига ишонч билдирдилар.

Ҳожикабул шаҳрида автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, ипакчилик соҳасидаги ҳамкорлик ривожланаётгани бунга мисол. Қазиб чиқариш, нефть-кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, озиқ-овқат, заргарлик буюмларни ишлаб чиқариш, виночиликда ўнлаб янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Навбатдаги стратегик йўналиш – стратегик коммуникацияларни ривожлантириш. Бугун юкларни, шу жумладан, “Боку – Тбилиси – Қарс” темир йўли орқали ташиниш ҳажми ортиб бормоқда. Томонлар янги йўлақларни ташкил этиш, мультимодал ташишларни кўпайтириш, транспорт корхоналари учун қулай шарт-шароитлар яратишга келишиб олдидилар.

Иқлим билан боғлиқ хатарлар ва озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, музокараларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Илмий ва инновацион ечимлар билан фаол алмашиш, аграр тармоқни рақамлаштириш бўйича шерикликни йўлга қўйиш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қарор қилинди.

Музокараларда ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштиришга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунга жорий йил кузида Тошкент шаҳрида биринчи Ҳудудлар

форумининг ўтказилиши хизмат қилади.

Маданий-гуманитар соҳада ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз азалдан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Музокаралар якунида Маданият ва кино кунларини ўтказиш, гуманитар ва туризм алмашинувида доир дастурларини ривожлантиришга аҳдлашиб олинди.

— Озарбайжон Президентининг тарихий аҳамиятга эга давлат ташрифи олдинга ташланган улкан қадамдир. Бугун биз биродар халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлаш ва мамлакатларимиз стратегик шериклигини чуқурлаштириш учун барча шароитларни шакллантирдик, — деди Ўзбекистон Президенти.

Президент Илҳом Алиев таклиф учун миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон эришаётган ютуқлардан хурсанд эканини таъкидлади.

— Қардош Ўзбекистон заминидан бўлиб турганимдан, Сиз билан икки томонлама муносабатларнинг кенг доираси ва ташқи сиёсий кун тартибидаги муҳим масалаларни муҳокама қилишдан мамнунман, — деди Илҳом Алиев. — Ўйлайманки, бу ҳақиқатдан ҳам, муваффақиятли ташриф. Чунки муҳокама қилинган мавзуларнинг моҳияти, шакли, мазмуни бўйича ҳам, биз қабул қилган қарорлар бўйича ҳам ушбу ташриф ва келишувлар муносабатларимизнинг янада ривожланишига асос бўлади.

Кўксаройда бўлиб ўтган музокараларда икки мамлакат ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимиздаги эркин иқтисодий зоналар, технопарклар бунинг учун қулай майдон.

Пойтахтимиздаги Технопаркда умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа йўлга қўйилган. Бугунги кунда шундан 13 таси ишга тушган бўлиб, электрон газ ҳисоблагич, музлатгич, саноат кондиционерлари ва совутиш тизимлари, лифт ва эскалаторлар, сув насослари, эшик ва дераза ромлари учун аксессуарлар ясалмоқда. Бу товарлар хорижий брендлар назорати остида тайёрланиши боис минтақа бозорларидан ўрин эгалламоқда.

Бу йил изоляция маҳсулотлари, сув иситиш ускуналари, ошхона техникаси корхоналари ҳамда логистика маркази фойдаланишга топширилади.

Озарбайжон Президенти ва меҳмонларга бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб берилди.

Давлат раҳбарлари саноат соҳаси мутасаддиларига биргаликда ишлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, саноат кооперацияси ва савдони кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экди.

Бу ташрифга узок ва пухта тайёргарлик кўрилган эди. Эришилган натижалар шунга муносиб бўлди — икки мамлакат ҳамкорлиги келажакга мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Давлат раҳбарлари эккан ниҳол ушбу янги режаларнинг, халқларимиз дўстлигининг рамзи сифатида гуллаб-яшнади.

Ташрифнинг иккинчи куни Хоразм вилоятида давом этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

Амир Темур Оксарой пештоқиға “Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдор шиоридир”, дея ёздирган. Орадан неча аср, не замонлар ўтмади, лекин бу ҳикматли гап ўз моҳияти, аҳамиятини асло йўқотган эмас. Лекин бу эзгу тамойил бузилган даврлар бўлди. Тартиб-интизом, қонун-қоида, оддий инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, талаблари билан ҳисоблашиш каби тараққиётнинг муҳим тамойиллари ортга чекинган қунларни ҳам кўрдик.

Янги Ўзбекистондаги халқчил сиёсат ана шу тамойилларни жамиятга, элга қайтариб берди. Бунда “Қонун ва адолат — устувор”, “Жиноятга жазо муқаррар” деган муҳим тамойиллар асосида суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятидаги туб ўзга-

етишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айб-лаш тақикланди.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қийноқлар ва асосиз ушлаб туриш ҳолатлари ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси-

Бу борада Президентимизнинг ўтган даврда қабул қилинган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга. Мазкур фармон ва қарордан келиб чиқиб, суриштирув-тергов ва терговга қадар текширув соҳасига замонавий технологиялар жорий этилишини қуйидаги йўналишларда таҳлил қилиш ўринли.

“Электрон жиноят иши” дастлабки

– жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулкани хатлаш, шунингдек, қидирув эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида амалга ошириш.

Видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари. Жиноят-процессуал қонунчилигида кўра, гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойдаги вилоят ётуман ва шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига, судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин. Бунда тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини тўғридан-тўғри трансляция орқали бевосита кузатиб боради.

Рақамли криминалистика. Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда ашёвий далиллар бўйича автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимини яратиш орқали эксперт-криминалистик фаолиятни босқичма-босқич рақамлаштирилиб, криминалистик идентификация тизими фаолияти мувофиқлаштирилади.

Жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу фуқароларнинг одил судловга ишончи ортишига асос бўлди.

Қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти бир мунча такомиллаштирилди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари, жиноят ишлари бўйича судлар ва иктисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри умуmjорисдикция судлари ташкил этилди.

2021 йилдан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди. Шунингдек, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш тартиби жорий этилди. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган “Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув” институти фаолияти йўлга қўйилди.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда ҳамда жамият ҳаётида одил судловни самарали таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дилдора БОЗОРОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ ЎЛЧОВИ: фуқаролар ишончи ва тараққиёт асоси тош босмоқда

ришлар инсон ҳуқуқ ва манфатларини таъминлашга хизмат қила бошлади.

Аммо бу йўлда ҳали бажаришимиз керак бўлган вазифалар кўп, мақсадларимиз катта. Жумладан, Тараққиёт стратегиясида 2026 йилгача жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Демак, қонун ва адолат устуворлиги йўлида фуқароларимизни янги ва халқчил ислохотлар кутмоқда.

Бугун инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, энг аввало, жиноят-процессуал бу омилларни таъминлаш тизими такомиллашганини кўришимиз мумкин бўлади.

Жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигида “шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш”, “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш” жиноят процесси принциплари сифатида кўрсатиб ўтилган. Ушбу тамойилларни таъминлашнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари сифатида мамлакатимизда қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ҳамда халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Президентимизнинг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра, жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўйилмаслиги ва улар учун жазо муқаррарлигини таъкидлади.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир

ни акс эттирувчи индикаторлардан бири сифатида кўрсатилди.

Яна бир муҳим ўзгариш сифатида тергов ва суриштирув соҳасидаги институционал ислохотларни айтиш мумкин.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда жиноят-процессуал қонунчилигининг тергов билан боғлиқ нормаларида концептуал ўзгаришлар амалга оширилди. Амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгаришларга кўра, Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари билан бир қаторда, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурорлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳам жиноят ишини, терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, қонунчиликда белгиланган ҳолларда бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга ҳақли экани белгиланди.

Ушбу даврда соҳага жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол қўмақлашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича “айбга иқроорлик тўғрисидаги келишув” институти жорий этилди.

Ушбу келишувга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқроорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида бериши мумкин.

Суриштирув бўйича институционал ўзгаришлардан яна бири суриштирув органлари фаолияти билан боғлиқ. Хусусан, 2019 йилга қадар жиноят ишлари бўйича суриштирувчи ишлар органлари, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ва Мажбурий ижро бюроси, Давлат божхона қўмитаси томонидан амалга ошириб келинган. Жиноят-процессуал кодексига 2019 йил 8 июлда киритилган ўзгартиришларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳам суриштирув органи сифатида белгиланди.

Суд-тергов фаолиятини рақамлаштиришдаги янгиликлар ҳам эътиборга молик. Суд-тергов фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг устувор йўналишларидан бири саналади.



лойихаси. Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, мазкур лойиха доирасида жиноят ишларини юритиш тартиби босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда.

Бунда жиноят ишлари бўйича ишни электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида суриштирув органларининг прокуратура, судлар ва жазони ижро этиш органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинуви имкониятини берувчи ҳимояланган тизимни, жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш, жиноят ишлари бўйича статистика юритишни автоматлаштириш орқали жорий қилинади.

“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими. Президентимизнинг 2018 йил 31 октябрдаги “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан жорий этилган мазкур тизим статистик карточкаларнинг электрон шакллари тузиш орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи тарикасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисобини юритишга мўлжалланган.

“Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ягона ахборот тизими. Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ишни судга қадар юритиш масалалари бўйича мазкур тизим жорий этилмоқда. Тизим ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

– ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш;

– суриштирувчи ва терговчиларнинг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномаларини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга электрон ҳужжат кўринишида юбориш, шунингдек, уларга жавобларни қабул қилиш;

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Биз барпо этаётган эркин фукаролик жамиятида амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ташаббускори фукароларимиздир. Халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғояси, шунингдек, фукаролик жамиятининг асосий шарт бўлмиш инсон кадр-қимматини таъминлашни албатта қонуний асосда мустақамланиши лозим. Шу боис, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизни янги поғонага кўтариш мақсадида фукаролар Асосий қонунимизни такомиллаштириш борасида ўзларининг таклифларини бермоқда.

“Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган ғоя асосида ўз фаолиятини олиб бораётган Конституциявий комиссия кенг жамоатчилик вакиллари ва фукароларимиз томонидан билдирилган барча таклифларни синчковлик билан ўрганиб, таҳлил қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда Конституциявий комиссия фаолияти янгиликлари ва фукаролардан таклиф қабул қилиш платформаси порталига минглаб таклиф келиб тушмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Конституция эркинлигимиз қафолати экан, биз бу борада фаоллик кўрсатишимиз зарур. Бугун биз бераётган таклифлар юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларни жонлантиришга, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

М. АХМЕДОВА,
Жамоат хавфсизлиги
университети Фукаровий-
хуқуқий фанлар кафедраси
профессори

Ў. ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети Фукаровий-
хуқуқий фанлар кафедраси
бошлигининг ўринбосари:


— Янгиликларга ҳамоҳанг тарзда одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бораётгани, улар ўз ҳақ-хуқуқларини яхши англаб этаётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Айни жараёнларда халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, барчанинг фикри, дарду ташвишини эшитиш ва ҳақиқий ҳаётга мос бўлган халқчил стратегияни амалга оширишнинг ҳосиласи сифатида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатни қарор топтириш муҳим ҳисобланади. Асосий вазифаси ва бурчи окни — окка, қорани — қорага ажратиш, адолатни ҳимоя қилишдан иборат бўлган судья қонунга, ўз касбига хиёнат қилса, одамлар додини кимга айтади? Адолат излаб қаерга боради? Модомики, одамлар тақдири, таъбир жоиз бўлса, ҳаёти судьялар кўлида экан, бу лавозимда фақат ва фақат адолат яловини маҳкам тутган инсонлар фаолият олиб бориши муҳим заруриятдир. Қолаверса, ушбу фикрлар нафақат суд тизими ходимлари, балки Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун ўзини масъул деб билган мансабдор шахслардан тортиб, оддий фукарони ҳам ҳақиқатга тик боқиши, ислохотларга дахлдор.

Албатта, сўнги йилларда суд-хуқуқ тизимида изчиллик билан

амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар барчамизни қувонтиради. Жумладан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, одил судлов фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги адолатни таъминлаш йўлидаги яна бир қатъий кадам бўлди.

Конституциянинг 111-моддасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципа рию этилишини таъминлашга кўмаклашиши белгиланган нормани қуйидаги мазмун билан тўлдирилиши таклиф этилади. Яъни Судьялар олий кенгашининг суд корпуси шакллантирилишига масъуллигини, ушбу Кенгаш одил судловнинг қонунийлигини, сифати ва ҳамма учун очиқ бўлишини,



ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ — АДОЛАТ ТАНТАНАСИ



судлар фаолиятидаги очиклик, холисликни таъминлаш чораларини кўришини конституциявий мустақамлашга кўмаклашади.

Айни мазмунда таклиф этилаётган қўшимча жамиятда рақобат муҳитининг пайдо бўлиши, ижобий ўзгаришлар ва янгиликларга, пировардида демократик ҳуқуқий давлат қуриш бўйича стратегик мақсадга эришилади.

Конституциянинг 109-моддаси 6-бандида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатлари тизимидан “конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан” деган сўзларни чиқариб, “ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади” деган тахрирда белгилаш лозим.

Мазкур таклифда конституциявий суд судлов фаолияти билан эмас, балки мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари билан шуғулланиши эътиборга олинган.

Бундан ташқари, Конституциявий суднинг ваколатлари тизимига “фукаролар ва юридик шахсларнинг муайян ишда суд томонидан уларга нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш ҳақидаги шикоятларини кўриб чиқиши” мазмунидаги янги норма киритиш лозим.

Мазкур қўшимча суд-хуқуқ ти-

зими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, эл-юртимизнинг одил судловга бўлган ишончини мустақамлаш, энг муҳими “Инсон кадри ҳар нарсдан улуғ” деган олийжаноб ғоянинг асосий қонунимизда акс эттирилишидаги муҳим кадамлардан бири деб ҳисоблаймиз.

М. АЛИМОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети кафедра доценти
Б. ЯРАШОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети кафедра
бошлигининг ўринбосари,
майор:

— Ҳар бир ривожланган ижтимоий жамиятда шахсий маълумотлар, шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва обрўси биринчи навбатда ўзи томонидан шунингдек, давлат томонидан амалда-

ларни ҳуқуқий тартибга солувчи энг муҳим асосий нормаларни ўзида ифода этувчи олий юридик кучга эга ҳужжат бўлиб, унда белгиланган қоидалар бошқа қонун ҳужжатларидаги қоид ва нормаларга нисбатан устуворлик тусига эга бўлади. Шу билан бирга, Конституция жамият ва шахс ўртасидаги, давлат ва жамият, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий асосларини ҳам мустақамлайди.

Мамлакатимизнинг Асосий қонунда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган умумий инсоний қадриятлар, давлат суверенитети ва халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фукароларнинг Конституция ва қонунлар олдида тенглиги, жамиятнинг иқтисодий негизлари, давлат тузилиши ва давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, сайлов тизими, мамлакатнинг молия

ва кредит тизими каби муҳим масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган қоидалари ва ўзбек халқининг миллий ўзига хослигидан келиб чиқиб мустақамланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар” — деб номланган IX бобининг дастлабки моддасида ҳам айнан мулкдорлик мақоми ва унинг қафолатлари белгиланган. Ушбу бобнинг дастлабки моддаси ҳисобланган 36-моддасининг биринчи жумласида “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”лиги мустақамланган. Мазкур қоид шахснинг мулкдор бўлиши қонуний нуктаи назардан чекланмаслиги ва мулкдорлик мақоми ҳар бир шахснинг хоҳишидан келиб чиқиб амалга оширилиши назарда тутади.

Нормадаги “ҳар бир шахс” атамаси фукаролар, юридик шахслар ва давлат тушунчаларини англатади ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари мулкдор бўла олишини ифодалайди. Бунда фукароларнинг ёши, ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг ҳолати аҳамият касб этмайди. Бошқача айтганда, фукаро туғилиши билан мулкдор бўлишга ҳақли ҳисобланади ва қонунчилик бунинг учун етарли даражадаги имкониятлар белгиланган.

Мулкдорга берилган, унинг ўз мол-мулкига нисбатан мазкур ваколатлар айни пайтда муддатсизлиги билан ҳам ажралиб туради. Мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги айни пайтда шахс мулкдорлигини ҳам муддатсизлигини англатади.

Мулкдорлик айни пайтда шахснинг ўзига тегишли хусусий мулкка

Э. ХОМИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети кафедра
бошлигининг ўринбосари
С. ЖУМАЕВ,
Жиноий-хуқуқий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси:

— Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда Конституция алоҳида ўрин тутади. Бош Қомусимиз бевосита мамлакат ҳаётидаги барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабат-

нисбатан ҳуқуқдорлигидир. Бундай ҳуқуқдорлик шахсга ўз мол-мулкига нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш имкониятини беради. Бироқ бундай мол-мулк шахс томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритилган бўлиши лозим. Айнан “қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритилган” мол-мулкка нисбатан мулкдорлик-гина Конституция ва қонунлар билан муҳофаза этилади. Қонун ҳужжатларига номувофиқ тарзда қўлга киритилган мол-мулк эга Конституция ва қонунлар билан тан олинмайди ва бундай мол-мулкни қўлга киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликни юзага келтиради.

Шахснинг мулкдорлиги учун муҳим бўлган яна бир қоидда мулкнинг дахлсизлигидир. Зеро, “хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин”.

Конституциянинг муҳим жиҳатларидан бири бу жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва жамиятнинг иқтисодий негизлари, мулкчилик, ер ва бошқа табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи билан боғлиқ принципал масаланинг аниқ ва қатъий белгиланганлиги ҳисобланади. Зеро, Конституцияда мамлакат иқтисодиётининг негизларини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши ва давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари билан тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлашининг белгиланганлиги, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлишининг мустақамланганлиги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши ва халқ фаровонлигининг кафолатлари демократик бозор асосларига таянилишидан далолат беради.

Мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг конституциявий асослари бўлган ҳар қандай мулкдор бўлишга ҳақлилиги, мулк шакллари билан тенглиги ва мулкнинг дахлсизлиги қоидалари мамлакатимиздаги мулкчилик тизими ва субъектларнинг мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолатларини ифодалайди.

Ж. АҲМЕДОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети кафедра катта
ўқитувчиси,
Ж. ИЛХОМБЕКОВ,
Тошкент давлат юридик
университети Илмий
бошқарманинг Стратегик
ривожланиш ва халқаро
рейтингларга кириш бўлими
услубчиси:

— Бугунги кунда Интернет тармоғи шу қадар ривожланди ва янада ривожланмоқдаки, жамиятимизни унинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолмоқда. Чунки, давлат ва жамият ҳаёти, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қолаверса давлат ҳокимияти бошқаруви тизимигача бўлган муносабатлар глобал тармоқ билан бевосита чамбарчас боғлиқдир. Ушбу

ривожланиш истикболида Интернетга дахлдор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ушбу соҳадаги муайян камчиликлари мавжудлигини кўрсатиб қўймоқда. Хусусан, Бош Қомусимизни ушбу соҳага тааллуқли бўлган муайян нормалар билан тўлдириш лозимлигини тараққиётнинг ўзи талаб қилмоқда. Зеро, ушбу соҳада халқаро амалиётдан ҳам биров орқада қолаётганимиз бугунги кунда ўртага чиқмоқда. Ўз навбатида бу нафақат бутун Интернетнинг мамлакатимизда ривожланишини, балки Интернет орқали сўз эркинлиги, ахборот олиш ҳуқуқи ва бошқа конституциявий ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнларини ҳам секинлаштиради ва тўсқинлик қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бош Қомусимизга Интернетдан ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланиш нормасини киритиш орқали фуқароларга уларнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, сайтлар, блоглар, ижтимоий тармоқлар, видео контент сайтлари ва порталларни ОАВга тенглаштириш ёки соддаштирилган тартибда уларни рўйхатга олиш каби қонун нормаларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш зарурати мавжудлигини етказишдан иборат. Чунки, ҳозирги вақтда, шубҳасиз, журналистлар фойдаланган маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини блогерларга ҳам татбиқ этиш зарурати мавжуд.

Ушбу муаммони ҳал қилиш усуллари билан Интернет ҳамжамиятига нисбатан мувозанатли сиёсат бўлиши мумкин. Хусусан, уларнинг фаолияти учун намунавий қоидаларни қабул қилиш. Бу эса Интернет ресурслари доирасида ўз-ўзини тартибга солишни ривожлантиришга ёрдам беради. Зеро, муайян сайтларнинг фойдаланувчилари қандай тартибда ўз ресурсларига алоқадор қонун нормаларини бузишдан манфаатдор эмаслар. Ресурс қанчалик катта бўлса, унинг фойдаланувчилари томонидан шунчалик каттик ички қоидалар қабул қилинади ва уларга қатъий риоя қилинади.

Жамиятда ҳолис ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш, фуқароларнинг ахборот манбаларидан фойдаланиш имконини кенгайтириш ғоятда муҳим. Бу, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, ўзгаришлар, қолаверса, юзага келаётган хато ва камчиликлар ҳақида, ва айни пайтда дунёда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жамоатчилик етарли тушунчага эга бўлишига шароит яратади. Шунинг учун ҳам, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Ушбу такомиллашув эса ўз-ўзидан илғор демократик меъёрлар асосида ривожланишга хизмат қилади.

Г. НУРМУҲАММЕДОВА,
Жамоат хавфсизлиги
университети Жиний-ҳуқуқий
фанлар кафедраси доценти,
Ф. ҚОДИРОВА,
Жамоат хавфсизлиги
университети Хорижий
тилларни ўрганиш кафедраси
катта ўқитувчиси:

— Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Конституциямизда давлатнинг жамият олдидagi масъул-

лиги мустақамлаб қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида “... давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деб белгилаб қўйилган. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “...халқ ҳокимиятчилиги ҳақидаги конституциявий тамойилнинг асл моҳиятини барчамиз чуқур англаб етишимиз лозим. Бунинг учун турли даражадаги ижро ҳокимияти органларининг халқ вакиллари – парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот бериш амалиётини кенг жорий қилиш керак. Парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати механизмларини янада ривожлантиришимиз зарур. Ҳар бир давлат хизматчиси халқ олдида масъул эканини ҳеч қачон унутмаслиги лозим”лигини таъкидлаган эди.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонун фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги родини янада кучайтириш, ҳокимиятлар бўлиниши принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш борасидаги ислохотларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг конституциявий асосларини шакллантириш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини ривожлантиришга қаратилган нормалар ўз ифодасини топди.

Хусусан, Конституциянинг 32-моддасига Ўзбекистон фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилишини назарда тутовчи норма киритилди. Мазкур норма фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг муҳим шакли бўлиши жамоатчилик назоратининг конституциявий асосини ташкил этади. Шунингдек, Конституциянинг 32-моддаси иккинчи қисми “Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади” деган мазмундаги норма билан тўлдирилди. Ушбу норма мамлакатимизда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қонунчилик асосларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Халқаро тажриба шуни исботламоқдаки, жамоатчилик назорати нафақат жамият учун, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланиб, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар

бир давлат хизматчиси ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиши билан аҳамиятлидир. Бошқа томондан эса, жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъуллиги ошади. Бу, ўз навбатида, мамлакатда ислохотларнинг янада самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараённинг муҳим шартларидан. Яъни, давлат органлари аҳолига ўз сиёсати, ҳаракатларини тушунтириб бериши, халқ олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб бориши бугунги замон талабидир.

Н. МИРЗАЛИЕВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети ўқитувчиси:

— Ҳуқуқ-давлат томонидан таъминланадиган, ҳимоя қилинадиган нимадир қилиш, амалга ошириш, муносиб яшаш шароитига эга бўлиш, зўрликлардан ҳимоя қилинишининг табиий имкониятидир. Эркинлик — бирор бир нарсада (хулқ-атворда, фаолиятда) қонун билан тақиқланмаган бирор бир чеклашнинг йўқлигидир. Яъни, ҳуқуқда асосий масала имкониятга эга бўлиш, эркинликда эса чеклашнинг йўқлигидир.

Айнан асосий қомусимиз ҳам минг йиллик тарихга назар солган ҳолда миллий ва умуминсоний кадриятлар муштараклиги, инсон ҳуқуқлари ва адолат тамойиллари устувор эканлиги тан олинган ҳолда, ҳамда ривожланган демократик давлатлар тўплаган илғор тажрибалар инobatга олиб, энг асосийси халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга интилиб, ҳуқуқ ва эркинликларнинг мустақам кафолати ҳисобланмиш бош қомусимиз – Конституция қабул қилинган. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ бош қомусимизнинг қабул қилиниши том маънода улкан бир тарихий жараён эди. Бош қомусимизнинг айнан бир бўлими инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланганлигининг ўзи ҳам, мамлакатимизда инсон шаъни, кадр-қиммати нақадар муҳим эканлигининг яна бир далилидир. Шунингдек асосий қомусимизда хориж мамлакатлари конституцияларидан ажратиб турадиган оила бобининг мавжудлиги, унинг миллий анъаналаримиз ва тарихий илдизлардан узилмаган ҳолда, шарқона менталитет хусусиятлари инobatга олинганлигини кўришимиз мумкин.

Қонунчиликка кўра халқ давлат ҳокимиятининг давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги, давлат ҳокимияти халқ манфатларини кўзлаб иш олиб бориши назарда тутилган. Шу билан биргаликда фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги қайд этилганлиги бош қомусимизнинг умуминсоний ғояларга ҳам содиқлиги намунасида.

Бугунги давр ҳар биримиздан кўпроқ эътиборли, ўз ишига масъулиятли бўлмоқни талаб этади. Иқтисодий суд ишларида кўпинча юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари, ташкилотлар ўртасида тузилган шартнома шартлари бажарилмаслиги каби масалалар бўйича даъво аризалар кўриб чиқилади.

Кўпроқ даъвогар томон қаноатлантирилади. Негаки, шартномага асосан иш олиб борган ва яқунлаган ташкилот ўз хизматига яраша тўловларни амалга ошира олмаган, ёки сустраслик қилаётган ташкилотни суд ҳукмига ҳавола қилади. У бунга мажбур бўлади.

Яқинда даъвогар “Шовот махсус қурилиш сервис” хусусий корхонасининг жавобгар — Шовот туман ҳокимлигидан 245, 297.048 сўм қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича суд ишини кўриб чиқдик.

Вазиятга кўра, буюртмачи Шовот туман ҳокимлиги ва пудратчи “Шовот махсус қурилиш сервис” хусусий корхонаси ўртасида “Бўстон” МФЙда 6 нафар кам таъминланган оилага яқна тартибда турар жой қурилиши бўйича 2020 йил 19 октябрда 3-сонли пудрат шартномаси тузилган.

Шартноманинг 2-бандида ёзилиши бўйича “Пудратчи шартномага асосан лойиҳада кўзда тутилган объектларни фойдаланишга тайёр холда қуриш давомида қурилиш ишларини бажариш ва топшириш мажбуриятини олиши, буюртмачи эса қурилиш ишларини бажариш учун барча шароитларни яратиб бериши, объектларни қабул қилиб олиши ва тўловни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини олган эди. Бунга қарага пудратчи ташкилот, яъни давогар қурилиш ишларини ўз вақтида яқунлаб тарафлар иштирокида бажарилган ишлар юзасидан ҳисоб-фактура, далолатнома расмийлаштириб, муҳр билан тасдиқлатган. Бу ерда низо шундаки, давогар томонидан бажарилган ишларнинг ҳисоб китобиди бажарилган ишлар ҳаққининг 245.294.048 сўм



ШАРТНОМА ТУЗДИНГИЗМИ, БАЖАРИНГ!

қисми тўлаб берилмаган. Даъвогарнинг буюртмачига тўлов бўйича ёзган огоҳлантириш хат-хабарларига жавоб берилмаган.

Суд ўтказиладиган кун, вақти белгиланиб, суд мажлисида бевосита иштирок этиш учун низо предмети мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс бўлган Шовот туман Молия ва ғазначилик бўлими иштирок этмади. Аслида, иш кўришга жалб қилинганда қатнаша олмаслиги ҳақида огоҳлантириш билдириши керак эди.

2022 йилнинг 3 мартида иқтисодий суд иши бўлиб ўтди. Юқорида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомиласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Иш асослича ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан ҳам, Шовот туман ҳокимлиги буюртмачи сифатида ўз вазифасини тўлиқ бажармагани аён бўлди. Ҳисоб-китоб фактураларидаги аниқ далилларга таянган холда суд даъвони

247.771, 610 сўм ундиришга қарор қилди.

Юқоридаги суд ишидан кўриниб турибдики, ҳар қандай ташкилот ўртада тузилган шартномага биноан ўз ишини белгилаб олиши ва жавоб бериши

тўлиқ қаноатлантирилиш лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, суд ҳаражатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилди. Баён этилганларга асосан суд ишида даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантириш, суд ҳаражатларини жавобгардан ундириш лозим деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 176, 179, 180-моддаларини қўллаб, суд даъвогарнинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилсин, деб қарор чиқарилди.

Шовот туман ҳокимлиги ҳисобидан “Шовот махсус қурилиш сервис” хусусий корхонаси фойдасига 245.297.048 сўм асосий қарздорлик, олдиндан тўланган 2.452.971 сўм, давлат божи 21,600 сўм почта харажати, жами

шарт. Бу борада мамлакатимизда суд тизимида олиб борилаётган қатор ислохотлар бари инсон омили учун эканлигини унутмаслигимиз керак. Аслида, ташкилот ҳам инсон омилига хизмат қилади. Бироқ қимларнингдир эътиборсизлиги эвазига бирми, иккими ёки ундан ортик умумий фаолият олиб борадиган жамоанинг зиён кўриб қолишининг олдини олиш бизнинг вазифамиз. Иқтисодий муаммоларни бартараф этишда аниқ далил ва исботлар керак бўлади. Вақтни ўтказиб тўлов қиламан деб, ўзига жабр қиладиганлар ҳам анчагина. Келинг, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилар эканмиз, ўртадаги муносабатларимиз дарз кетмасин. Ҳамма нарса ўз вақтида бўлса, қийинчилик ва бошқа қўнғил оғритадиган муаммолар бўлмайди. Биз эса мудом ҳақиқат тарафдоримиз.

Б. ҲАЙИТБОЕВ,
Шовот туманларо иқтисодий суди судьяси

Таассуф

Бахилнинг боғи кўкармади

Одам боласининг феъли қизик: бировдан ўпқаласа, ранжиса, ўйлаб кўрмасдан, қай йўсинда бўлмасин, ўша шахсдан ўч олишга киришади. Бировнинг пок номини бадном қилиш, ҳеч бўлмаганда дилини хуфтон қилиб, ҳузур қилишни ҳумор қилади.

Аваллари айтайлик, Али Валидан ўртадаги ни-фок туфайли ўч олишга қасд қилса, рақиби ҳақида эл-улус орасида турли ёлғон, унинг шаънига путур етказадиган гапларни тарқатиб, роҳатланарди. Энди-чи? “Интернет” деган “қорақути” бор. Эҳ,буқутидаги турфа ёлғон, фиску фасод, тухмат, кўйинги, инсонлар ўртасида зиддият келтириб чиқарувчи шов-шувли хабарлар, ҳатто, Шайтоннинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак.

Шу денг, Мирзаюнус Собировдан омад чаппа кетди. Кимсан, “Фарғонасувтаъминоти” МЧЖ Кўкон шаҳар бўлимида ўртамеънадан юқорироқ лавозимда ишлаб туривди. Дабдурустан унинг ўрнига раҳбарият Толибжон Қамбаровни тайинласа, бўладими. Унга эса кичикроқ курсини раво кўришди. Бундан қаттиқ ранжиган М. Собиров аразлаб, ишга ҳам чиқмай кўйди. “Девона аразласа, тўрвасига зиён”, деганларидай, узрли сабабсиз ишга чиқмаслиги оқибатида у курсичадан ҳам мосуво қилинди. Мирзаюнус айбни, хатосини ўздан қидирмай, Т. Қамбаровга нисбатан “тиш қайради”. Юқорида таъкидланган кутига

кирволиб, “ижодга” шўнғиди. Шўнғигандаям, ғаввос бўлиб кетди, ўзиям.

У “You Tube” Интернет жаҳон ижтимоий тармоғидаги каналида Т.Қамбаров фуқароларни ишга жойлаштириш учун улардан 500 дан 1000 АҚШ долларигача пора олаётгани, қўлоштидаги назоратчиларни дам олиш кунлари ҳам мажбурий ишга чиқазиб, уларга кунлик 3 миллион сўм миқдорда тушум режаси белгилаб, уни уйдаламаганларга чора кўраётгани, ишчи-ходимларни назар-писанд қилмаслигини кириш қисмида баён этиб, ҳуморидан чиқди. Сўнг айтганларига ўзи ҳам ишониб, давомига сув ҳисоблагич ишламай қолган ёки унинг сертификат муддати ўтиб кетган аҳоли вакиллари сарсон қилаётгани, хусусан, уларни 1 миллион 400 мингдан бошлаб 3 миллион сўмгача жаримага тортиб, тушган пулларни чап чўнтагига ураётганини “қоралаб” бадани яйради. Чойдан хўплаб-хўплаб қолган қисмига Т.Қамбаров ишхонага нукул қариндош уруғларини тўплаётгани, жияни “ёғли” жойда ишлаши, маҳаллаларга канализация тармоқларини тортиш учун 2-3 минг АҚШ доллари миқдорда “шапка” олиши, ишхонада юрист штати бўла туриб, бўш тургани, у ишга кирганига бор-йўғи икки ой бўлмасдан медал олдани ҳақида ҳам ёзғириб, юрагини бўшатди.

Хотима қисмида эса Т.Қамбаровни “ҳаромхўр, каламуш ва ифлос” деб ҳақоратлаб, ниҳоясида, ўзини у ноҳақ ишдан бўшатганини ҳам кистириб ўтди.

Бу шов-шувли хабардан ҳамма хайрон. Ҳа, демай юқори ташкилот томонидан Т.Қамбаров устидан хизмат текширувлари ҳам бошланиб кетди. Эл-улус, жамоа олдида айбсиз айбдорнинг юзи шувут. Айрим миш-мишчилар ҳам оғзини бекор қолдирмай “Шамол бўлмаса, дарахтнинг барги қимирламайди” нақлини пеша қилиб, Мирзаюнуснинг тешасини чопишди. Ниҳоят, иш судгача бориб етди. Қанча-қанча инсонлар хотиржамлигини бузган, беҳуда текшир-текшир, ёғилиб келаверган савол-жавобларга судда хотима ясалди. Тухматчи М. Собиров суд давомида айбига тўлиқ иқроқ бўлди. Дийдиёлари уйдирма эканини айтиб, чўкка тушгудай кечирим сўради. Т. Қамбаров ҳам одамийлик нуктаи назаридан уни кечириб, кўя қолди.

Аммо кечирим сўраш, тавба қилиш билан иш битмади. Суд ўз сўзини айтди. Яъни, М.Собиров Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 139-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилди, тегишли жазога тортилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мўътабар китобларда ёзилишича, энг ёмон ва қабиҳ иллатлардан бири бу — инсоннинг дилини оғритишдир. Қолаверса, бировга қуруқ тухмат қилиб, ҳеч ким мақсадига эришган эмас.

Хуршид ҚОСИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Кўкон шаҳар суди раиси

ОФТОБ УРИШИ ХАВФЛИ..МИ?

Ёз фаслида ҳаммамиз кўпроқ очик ҳавода сайр қилишни, маза қилиб сувда сузишни, салқин гўшаларда дам олишни ихтиёр этамиз. Шунинг учун ҳам, ёзда сув ҳавзалари, чўмилиш масканлари дам олувчилар билан лиммо-лим тўлади.

Марокли дамлардан бирида кўкда чарқлаб, ўз нурларини сахийлик ила сочаётган куёш ёқимли кайфият улашиш билан биргаликда нохуш совгалар ҳам тайёрлаб турган бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрганмисиз? Куёш нурлари остида узоқ вақт бўлиш оқибатида тери куйиши ёки офтоб уриши ҳолатлари юзага келиши мумкин. Айнан офтоб уриши ҳаётимиз учун жуда хавфли бўлиши мумкин.

Офтоб уриши – куёш иссиқлигининг бошга таъсири натижасида бош мия фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ патологик ҳолат бўлиб, бундай ҳолат организмнинг ортиқча миқдордаги иссиқликни бошқара олмаслиги ва организмни етарли даражада совута олмаслиги оқибатида келиб чиқади. Бунда тер ишлаб чиқаришнинг бузилишидан ташқари қон айланиш тизимида ҳам бузилишлар кузатилиб, томирлар кенгайиб кетади. Натижада, бутун танада қон айланиши секинлашади (Қон айланишининг секинлашиши бош мияда ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади). Бундай ҳолат оғир оқибатларга, ҳатто юрак фаолиятининг издан чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Офтоб уришининг белгилари. Офтоб уришида бош оғриғи, кўнгил айниб қайт қилиш, ланжлик кузатилади. Ҳавода намлик кучли бўлса, бу белгилар янада ривожланиб кетиши мумкин. Офтоб уришининг энгил, ўрта ва оғир даражалари фарқланади.

Энгил даражада офтоб уришида ланжлик, бош оғриғи, кўнгил айниши, юрак ури-

шининг ва нафас олишнинг тезлашиши, кўз қорачиғининг кенгайиши кузатилади.

Ўртача даражадаги офтоб уришида ҳаракатларнинг кескин сустлашишига борадиган ҳолсизлик, кўнгил айниши ва қушиш билан кечувчи кучли бош оғриғи, бош айланиши, кулоқнинг битиб қолиши, чайқалиб юриш, вақти-вақти билан хушдан кетиш, томир уриши ва нафас олишнинг тезлашиши, бурундан қон кетиши, тана ҳароратининг 39-40°C гача кўтарилиши кузатилади.

Оғир даражадаги офтоб уриши тўсатдан бошланади. Офтоб урган кишининг юзлари аввал қизариб, кейин оқимтир-кўкимтир тусга киради, мускуллари тортишади, босинқирашга ўхшаш ҳолат кузатилиб, кўзига хар хил нарсалар кўринади. Тана ҳарорати 41-42°C гача кўтарилади. Оқибатда оғир беҳушлик ҳолати ривожланиб, пешоб ва ахлатнинг беихтиёр ажралиши кузатилади. Оғир даражадаги офтоб уриши 20-30 фоиз ҳолатларда ўлим билан якунланади.

Офтоб уришида қуйидаги тадбирларни қўллаш тавсия этилади:

- офтоб урган кишини соя-салқин, бироқ баҳаво (одамлар кўп тўпланмаган) намлик даражаси юқори бўлмаган жойга олиш;
- горизонтал ҳолда ётқизиб, оёқларини бир оз кўтариб қўйиш, тоза ҳаво билан таъминлаш учун елпиш;
- устидаги кийимларни, айниқса, бўйин ва кўкрак қафасини сиқиб турган кийимларини ечиш;



- юзини совуқ сув билан ювиш;
- бирор матони хўллаб кўкрак қафасига босиш, хўлланган мато билан бутун танасини ўраш ёки 18-20°C сувда чўмилириш;
- пешонасига совуқ копресс (совуқ сув солинган идиш ёки муз) қўйиш;
- қатиқ ичириш (2-3 стакан ёғсиз қатиқ офтоб урган кишига бир неча кун давомида тавсия этилади. Чунки, қатиқ организмни тикловчи ва совутувчи яхши воситалардан бири ҳисобланади);
- кўнгил айниб қусган бўлса нафас йўллари қусиқлардан тозалаш, новшадил спирти хидлатиш;
- хушсизлик ҳолатида нафас олиш ва юрак уришини текшириб қўриш. Юрак урмаётган ҳолларда сунъий нафас бериш ва массаж қилиш.

Шифокорлар офтоб урган кишиларга бир неча кун шифохона шароитида ётишни тавсия қилишади. Чунки, организмдаги асаб тизими, қон айланиши ва бошқа бир қатор бузилган биокимёвий реакциялар тикланиши учун бир неча кун керак бўлади. Шифокорларнинг ушбу тавсиясига амал қилиш лозим. Акс ҳолда офтоб уриши, айниқса, болаларда қайта такрорланиши ёки асоратли кечиши мумкин.

Одил РАЖАБОВ,
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

Ободлик


ЙЎЛНИНГ РАВОН — УМРИНГ РАВОН

Ватанини обод ва кўркам қилишга оз бўлсада, ўз ҳиссасини қўшаётган шижоаткорларни ободлик, бунёдкорлик куйчиси дегим келади.

Айниқса, бу борада сўнгги йиллар ичида йўлсозлар меҳнати салмокли бўляпти. Бизни ёруғ манзилларга, келажакка элтувчи нурафшон йўллар барпо этилмоқда.

Бекобод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ишчи-хизматчиларининг айни дамда қўли қўлига тегмайди. Доимо шижоатли меҳнат билан банд. Туман ҳудудидаги маҳаллалар кўчаларини, ички йўлларни таъмирлаш борасида ўзига хос тажрибага эга. Чунончи, корхона жамоаси “Обод кишлоқ” дастури доирасида тумандаги “Фарход” МФЙ га қарашли “Боғбоншоҳ”, “Боғбон - 2”, “Боғбон - 3” кўчаларига жами 1 км 585 метрлик асфальт қопламасини ётқизиб беришди.

Бундан ташқари “Ёшлик-2” маҳалласига қарашли “Интизор” кўчасининг 1 км 100 метр ҳудудига шағал ётқизиб берилди. Шунингдек, ушбу маҳал-



лага қарашли “Чиннисой”, “Саҳоват”, “Боғ йўли”, “Интизор” кўчаларининг 1 км 600 метр ҳудудига асфальт қопламаси ётқизилди. Айнан шу маҳалланин 1 км 200 метрлик пиёдалар йўлакчасига цементли бетон қопламаси ётқизилди.

— Режаларимиз янада улкан, — дейди биз билан суҳбатда унитар корхона раҳ-

бари Баҳром Ҳусанов. — Туманимиз ҳудудидаги ички йўлларни таъмирлаш, янги йўллар барпо этиш ишларини изчил давом эттириб борамиз. Зотан, обод ва кўркам ҳудудларнинг йўллари ҳам текис ва равон бўлиши керак.

Ашурали БОЙМУРОД

ЭЪЛОНЛАР***

08.06.2020 йилда Тошкент шаҳар Миробод тумани 125-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан Рихсибоев Муҳаммадшариф Музаффар ўғли номига берилган УМ 0707611 (рўйхат рақами 53) рақамли аттестат йўқолганлиги сабаб бекор қилинди.

Фарғона Давлат Университети томонидан 1996 йилда Ахмадалиева Саёҳат Мадаминова номига берилган №115686 (рўйхат рақами 586) рақамли диплом ўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган 179-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Абдурахмонов Шаҳбоз Абдуқаҳор ўғли номига берилган УМ 1160352 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабаб БЕКОР ҚИЙНАДИ.

ЖАМИЯТ



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-608
Адади: 1507.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Мурод РАҲМАТОВ

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@mail.uz

Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

Мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, коррупция салбий ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга хавф туғдиради, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан янги таҳрирдаги кодекс ҳамда қонунлар, қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси

омилни кўрсатадилар:

биринчиси – иқтисодий сабаблар. Коррупциянинг бу кўриниши ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни бевосита маъмурий йўл билан бошқаришга интилган ҳокимият ва бюрократиянинг мавқеи баланд бўлган давлат шароити-

Порахўрлик дунёнинг деярли ҳар бурчагида илдиз отган разил бир иллатдир. Амалдорларнинг ўз вазифаларини суистеъмол қилиб, шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйган ҳолда давлат мол-мулкидан фойдаланиши жамиятнинг турли хил жабҳаларда ўсиш ва ривожланишда тўхтаб қолиши, оддий халқнинг ислохотларга бўлган ишончи йўқолиши, одамларнинг ўз ҳаётларини ўзгартиришга қаратилган ташаббуслари йўққа чиқиши сингари ўта салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Умуман олганда, коррупция мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига моддий зарар етказди, уни издан

мувофиқ давлат хизматчисига мажбуриятларнинг каттагина ҳажми юкланади, булар жумласига АҚШ Конституцияси ва қонунларини ҳимоя қилиш, ҳуқуққа қарши қилмишлар содир этилишига йўл қўймаслик, давлат хизматида порахўрликка қарши кураш ва бошқа бир қатор мажбуриятлар қиради.

1993 йилдан буён Скотлэнд-Ярдда тадбиркорлик субъекти никоби остида ўта махфий “арвоҳлар бўлинмаси” деб аталувчи коррупцияга қарши курашувчи таркибий тармоқ фаолият юритиб келмоқда.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга

ЎЗГАЛАР ҲАҚИДАН ҚЎРҚСАК, КОРРУПЦИЯГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ



Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш вазифалари белгиланиб бунда:

- коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

- коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш;

- коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш;

- аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқишини таъминлаш назарда тутилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ушбу йўналишда муҳим аҳамият касб этади. Қарорда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан рейтинг баҳолаш “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали ташкил этилиши белгиланган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳолашиб, фаолият самарадорлиги “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” тоифаларга ажратилиши кўзда тутилган.

Аччиқ бир ҳақиқат сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсоният пайдо бўлибдики, унинг нафси бор, нафс бўлган жойда суистеъмолчиликлар бўлиши ҳар доим кузатиб келинган табиий-ижтимоий ҳодисадир. Тадқиқотчилар коррупциянинг асосий сабаблари сифатида қуйидаги тўртта

да ривож топади. Иқтисодий фаолиятга нисбатан ўрнатилган турли хилдаги чеклашлар, амалдорларнинг кенг, назоратдан холи, чекланмаган, рухсат бериш ёки тақиқлаш ваколати коррупцияга замин яратади. Шу билан боғлиқ ҳолда, йирик маблағларга эга бўлган айрим ишбилармонлар ўз даромадларини кўпайтириш мақсадида ва рақобатда алоҳида имтиёзларга эга бўлиш учун ҳукумат амалдорларини пора эвазига бўйсундиришга интилади;

иккинчиси – ҳуқуқий сабаблар. Коррупциянинг ривож қонунларнинг сифатига боғлиқдир. Мукамал бўлмаган қонунлар ишламайди ва айрим удабуронлар бундан усталик билан фойдаланадилар;

учинчиси – институционал сабаблар бўлиб, уларга аввало, давлат бошқаруви тизимидаги нуқсонлар, демократик институтларнинг кучсизлиги, шунинг натижасида ҳукумат фаолиятининг ёпиклиги ёки фуқаролик назоратидан ҳолилиги қиради;

тўртинчиси – ижтимоий сабаблар ёки жамиятдаги муҳит, аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти, уюшқоқлиги ва жамоат фаоллиги пастлиги каби омиллардир.

Коррупция мулкий муносабатлар, фуқаролик жамияти ва демократия институтлари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва иқтисодиёт ривожланишини нафақат секинлаштириб, балки фуқаролар томонидан таълим соҳасидаги ўз конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларига ҳам тўсқинлик қилади. Бундан келиб чиқадикки, коррупциянинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсири инвестиция оқимининг камайишига ҳамда таълим сифатининг тушиб кетишига олиб келади.

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри” асарида фуқаролик жамиятини қуришда тўғаноқ бўладиган муаммолардан бири коррупциядир, деб алоҳида қайд этган. Бозор иқтисодиёти тизими кушандаси, давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик, бизнес ҳамда инвестиция ривожиди шафқатсиз тўсиқ ҳам айна шу коррупция ҳисобланади.

чиқаради ва иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ҳамда фуқароларнинг давлат бошқаруви органларига бўлган ишончи йўқолишига, тинч турмушимизга ва давлат хавфсизлигига путур етишига олиб келади. Шу боисдан, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда коррупцияга қарши кураш олиб борувчи субъектларнинг касбий тайёргарлигини ошириш борасида қатор амалий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарориди 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, “Е-Антикоррупция” лойиҳаси тўлиқ ишга туширилиши белгиланди.

Давлат хизмати ҳар қандай давлатнинг фаолиятини таъминлашда ўта муҳим ўрин эгаллайди ва унинг самарали фаолият кўрсатиши, давлат хизматчиларининг иши эса махсулдор бўлиши жуда муҳим. Мутахассисларни касбий тайёрлаш, фуқаролар ва давлат хизматчиларида коррупцияга қарши муросасизлик муносабатини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ҳаётий заруратдир.

Бу борада дунё тажрибасига таянган ҳолда мушоҳада юритадиган бўлсак, давлат хизматчиларининг билим даражаларини ошириш билан боғлиқ масалалар хорижий давлатларнинг кадрлар сиёсатида муҳим ўрин эгаллашига гувоҳ бўламыз.

Масалан, АҚШда давлат хизматчилари ҳар йили аттестациядан ўтади. Ҳар бир хизматчига у эгаллаб турган лавозимга қўйиладиган талаблар борасида хабар берилади. Унинг иши асосида уни қайта тайёрлаш, ўқитиш, мукофотлаш, лавозимда пастлатиш, олдинги жойида қолдириш ёки бошқа жойга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. АҚШда давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказишда уларнинг маънавий фазилатларига алоҳида эътибор қаратилади. Хизмат одоби кодексига

қарши кураш билан боғлиқ масалаларда хориж мамлакатлари ва уларнинг тажрибасини таҳлил қилар эканмиз, кунчиқар мамлакат бўлган Япония 2019 йилда “Коррупцияни аниқлаш индекси”га кўра 180 давлат орасидан 73 балл билан 20-ўринни қайд этганини кўришимиз мумкин. Японияда коррупция билан боғлиқ масалаларнинг матбуотда ёритилиши учун ҳуқуқий асос яратиб берилган бўлиб, бу коррупцияга қарши самарали кураш олиб борилаётганининг ҳақиқий белгисидир. Ҳозирда аксарият японлар бировнинг ҳақиқа хийнат қилишдан жуда қўрқади. Бировнинг ҳақи деганда фақат моддий мулк, пул ёки буюм эмас, балки ўзганининг вақти, ўзганининг меҳнати, ўзганининг навбати, ўзганининг ютуғи, ўзганининг кайфияти ва бошқалар ҳам тушунилади. Шу сабабли ҳам, японлар коррупция, пора деган нарсаларни ҳазм қила олишмайди.

Аслида, жамиятимизда ҳам Японларнинг коррупция иллатига бўлган муносабати каби одат шаклланиши, фуқароларнинг онгида бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш туйғуси юксак даражада шаклланган бўлиши лозим. Афсуски, бу борада жамиятимизда баъзи бир камчиликлар яққол кўзга ташланмоқда.

Хусусан, 2021 йил мобайнида 6 294 нафар шахслар томонидан 7 953 та коррупцион ҳолатлар билан боғлиқ жиноятлар содир этилган. Шундан, давлат органлари ва ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ ҳолда 3 050 нафар шахслар томонидан 4 186 та коррупцион ҳолатлар билан боғлиқ жиноятлар ҳисобга олинган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, коррупция – тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнинггина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламыз.

Коррупцияни йўқ қилиш, жамиятда унинг илдизини батамом суғуриб ташлашга барчимиз бирдек бел боғлаб ҳаракат қилишимиз зарур.

Баҳодир МАНСУРОВ,
ФВВ Шахсий хавфсизлик
бошқармаси бош инспектори,
подполковник